

«ТАСДИКЛАНГАН»

«О'ЗКИМЫОСАНОАТЛОЙИНА»

аксиадорлик жамияті акциядорларининг
умумий иғилишининг

2019 йил 23 декабрдаги қарори билан

28 - сонли баённома

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI
* * *
TOSHKENT VILOYATI BOSHQARMASI
* * *
CHIRCHIQ SHAHAR DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
20. 9. 2019
№ 231434



«О'ЗКИМЫОСАНОАТЛОЙИНА»

aksiyadorlik jamiyatı

УСТАВИ

(янги таҳрири)

Чирчик шаҳри - 2019 йил

УСТАВ МАЗМУНИ:

1. Умумий қоидалар.....	3
2. Жамиятнинг юридик мақоми, жойлашган жойи (электрон почта манзили)	3-4
3. Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари).....	4-6
4. Жамият устав фондининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби	6-8
5. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари	8-9
6. Жамият акциядорларининг хуқуқ ва мажбуриятлари	9-11
7. Жамият фойдасини, дивиденdlарни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби	11-12
8. Жамиятнинг заҳира ва бошқа фонdlарини шакллантириш тартиби	12
9. Жамиятни бошқариш органлари	12
10. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши	13-17
11. Жамият Кузатув кенгаши	17-20
12. Жамият Ижроия органи	20-22
13. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш	22-23
14. Жамиятнинг ҳисоби ва ҳисботи, йиллик ҳисботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби	23-24
15. Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари ва шульба жамиятларини тузиш ва ишлаш тартиби	24
16. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш	24-27
17. Уставга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш	27

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» aksiyadoriik jamiyati (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб кувватлаш кўмитасининг 2002 йил 26 июндаги 171к-ПО-сонли «O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» давлат шуъба лойиха-технологик институтини очик акциядорлик жамиятига айлантириштгўғрисида»ги буйругига асосан ташкил этилган.

1.2. Жамият даставвал, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар Хокимининг 2002 йил 08 августдаги 473 сонли қарори билан давлат рўйхатига олинган, Чирчиқ шаҳар Хокимияти тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 10 октябрда 2177-ракам билан ва 2013 йил 28 октябрда 150ўзг - рақами билан қайта рўйхатга олинган, 2014 йил 10 июлда 100ўзг - рақами билан ўзгартиришлар киристилган.

1.3. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (лотин алифбосида):
«O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (лотин алифбосида):
«O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» AJ;

Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (кирилл алифбосида):
«ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИХА» акциядорлик жамияти;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (кирилл алифбосида):
«ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИХА» АЖ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:
**Акционерное общество
«УЗКИМЁСАНОАТЛОЙИХА»**

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:
АО «УЗКИМЁСАНОАТЛОЙИХА».

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол- мулкига эга бўлиб, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда дайвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлоқ хукуқига эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирмада номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига ва товар белгисига эга.

2.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужожатлари ва мазкур Устав талабларига амал қиласи.

2.4. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уч кун давомида уларга Жамият устави, шу жумладан, унга доир ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига биноан Жамиятнинг амалдаги Усгавидан нусха олиб бериши шарт.

2.5. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк хукуклари асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фонdlар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун хужожатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.11. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

2.12. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

2.13. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

2.14. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

2.15. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.16. Жамият акциядорлик жамияти ёки маъсулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тебе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.17. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.18. Шўъба хўжалик жамиятияга мажбурий кўрсатмалар бериш хукуқига эга бўлган асосий жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятияга мажбурий кўрсатмалар бериш хукуқи фақат шўъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятининг уставида назарда тутилган тақдирда асосий жамият бундай хукуққа эга деб ҳисобланади.

2.19. Жамият бошқа ташкилотлар, тижорий тузилмалар ва холдингларда ўзининг мулки билан қатнашишга, шунингдек улушлар негизида қатнашишга ҳақли.

2.20. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.21. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.22. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.23. Жамиятнинг жойлашган жойи (пошта ва электрон манзили): Ўзбекистон Республикаси, 111708, Тошкент вилояти, Чирчик шахри, Тошкент кўчаси, 4 уй. Электрон пошта манзили: E-mail: offise@himproekt.uz, расмий веб-сайти: www.himproekt.uz.

2.24. Жамият ўзининг жойлашган ери (пошта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни, давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида

эълон бериши йўли билан хабардор этиши шарт.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ)

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади - Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти манфаатларида илмий ва лойиха-конструкторлик ишланмаларни жорий этиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида назарда тутилган бошқа фаолият турлари орқали фойда олиш ҳисобланади.

3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Илмий-тадқиқот ишлари:

- Кимё саноатида технологик жараёнларнинг янгиларини тадқиқ этиш (тайёрлаш-ишлаб чиқиш) ва мавжудларини такомилаштириш;
- Кимёвий ва унга яқин соҳа саноатлари учун юқори сифатли иссиқ масса алмашувчи аппаратлар тадқиқ этиш;
- Энергияни тежаш жараёнларини ва апаратларни тадқиқ этиш;
- Хаво ва сув хавзаларини (бассейн) муҳофаза қилиш соҳасида, уларнинг аппаратларини расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш;
- Кимёвий сув тайёрлаш ва сувни тозалаш;
- Ўғитларни, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, озуқа емининг қўшимчалари ва кимёвий консервантлар;
- Табиий газдан муқобил (алтернатив) мотор ёқилғисини олиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш ва тайёрлаш;
- Кимё саноати маҳсулотларининг сифатини ошириш;
- Халқ истеъмол моллари;
- Кимё маҳсулотларини тайёрлаш ва тайёрларини сотиш;
- Киме маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификация бўйича ишлар;
- Кимёвий ишлаб чиқаришдаги қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни ишлатилиши ва қайта ишлатиш;
- Саноат корхоналари ва аҳоли яшаш жойи атмосферасига чиқариб ташланган зарарли чиқиндилардан тозалаш, зарасизлантириш ва ишлатиш;
- Меърий техник хужжатларни ишлаб чиқиш;
- Институтда ишланмаларни (қўллётзмаларни) жорий этиш;

Лойиҳалаштириш:

- Кимё соҳасида ишлайдиган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, қайта куриш (қайта тиклаш-реконструкция) ва кенгайтириш, янги курилишлар учун комплекс ва алоҳида лойиҳаларнинг иш турлари бўйича ишланмалар (қўллётзмалар) тайёрлаш;
- Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бўйича, корхоналар ва қишлоқлар учун ижтимоий ривожлантириш обьектлари бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш;
- Портлаш-ёниш хавфи бор ишлаб чиқаришларни (корхоналарни) лойиҳалаштириш;
- Автоматик ёнгин ва қўриклиш сигналлари (хабар бериш) воситалари тизимини лойиҳалаштириш;
- Ёнгин депосини лойиҳалаштириш;
- Атроф мухитга таъсирини баҳолаш (АМТБ-ОВОС) амалларни бажариш;
- Чиқинди, ташландик ва аҳлатларни меъёrlаштириш бўйича ишларни олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикасида тадбиқ этилаётган (қўлланилаётган) "Босим

остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари" босим остида ишлайдиган идишларни лойиҳалаштириш (конструкторлик) чизмаларни бажариш;

➤ Табиий газлар билан газ таъминлаш тизимларини (газ, газнефтли, газ-кondenсатли конлар), суюлтирилган углеводородли газлар (СУГ) ҳом-ашё ва ёкилги сифатида ишлатилаётган) тизимларни лойиҳалаштириш;

➤ Сейсмик жойларда (туман-худуд) қурилиш конструкцияларни, жихозларни лойиҳалаштириш;

➤ Чет эл фирмалари билан ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида лойиҳаларнинг алоҳида (айрим) қисмларини бажариш;

➤ Чет эл фирма ва компаниялари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёр ва қоидаларига мослигини (мувофиқлигини) текшириш;

➤ Фавқулотда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича (чора тадбирларни) ва фуқаро мудофааси бўйича муҳандис-техник чора-тадбирларни тайёрлаш;

➤ лойиҳа-смета ҳужжатларини кўпайтириш;

➤ Қурилиш обьектлари учун муаллифлик назоратини амалга ошириш;

➤ Ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда, ўзлаштиришда ва лойиҳа кўрсатгичларига чиқаришда қатнашиш, корхоналарнинг фаолиятини техник-иқтисодий таҳлилини ўтказиш (олиб бориш) ва хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (тайёрлаш);

➤ Кимё корхоналари томонидан бажарилган регламентлар ва лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ва тайёрлаш;

➤ Ходимларнинг малакасини ошириш ва ўқитиши бўйича курсларни ташкил этиш;

➤ Полиграфия (нашр этиш) фаолиятида хизмат кўрсатиш ва маҳсулотлар тайёрлаш.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш хукуқига эга.

3.4. Махсус руҳсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидиган фаолият учун, тегишли маҳсус руҳсатнома (лицензия) олинганидан сўнг (фаолият) амалга оширилади.

3.5. Жамият битим тузилишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

3.6. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганилади.

3.7. Жамиятнинг аффилланган шахси жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йигилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш хукуқига эга эмас.

3.8. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йигилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг Устав фонди Акциядорлар томонидан сотиб олинган Жамият

акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол - мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Жамият давлат мулки негизида тузилган бўлиб, жамиятнинг барча мавжуд бўлган мол-мулкнинг, пул маблағларининг ва бошқа молиявий ресурсларининг, шунингдек қайта ташкил этиш вақтида давлат корхонасида бўлган қарзларнинг тўлик хукуқий вориси ҳисобланади. Жамият устав фондининг миқдори «О'ZKIMYOSANOATLOYIHA» давлат шўъба лойиҳа-технологик институтини барча мол-мулкини бозор баҳосини аниқлаш натижасида белгиланган.

4.4. Жамият устав фондининг миқдори 814 145 000 (саккиз юз ўн турт миллион бир юз қирқ беш минг) сўмни ташкил қиласи ва номинал қиймати 5000 (беш минг) сўм булган 159 043 (бир юз эллик тўққиз минг қирқ уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 3 786 (уч минг етти юз саксон олти) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.5. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.6. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш хукуки берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.9. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан купайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

4.10. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 5000 (беш минг) сўмлик 183 124 (бир юз саксон уч минг бир юз йигирма тўрт) дона эгаси номи ёзилган оддий ва 5 000 (беш минг) дона эгаси номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

4.11. Эълон қилинган акциялар доираси қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур акцияларнинг жойлаштириш тартиби, шартлари, муддати, сони ва бошқа шартлари Жамият ваколатли бошқарув организининг акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори, шунингдек эмиссия рисоласи ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан белгиланади.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки ўларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиш йўли билан

камайтирилиши мумкин.

4.13. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга йўл қўйилади.

4.14. Агар Устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишиларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият Устав фондининг энг кам миқдоридан қонун хужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

4.15. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишилар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинади.

4.16. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йигилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.17. Устав фондини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутиладиган акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

4.18. Жамият акциядорлар умумий йигилишининг, жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида, шунингдек кейинчалик қайта сотиш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўзининг жойлаштирилган акцияларини сотиб олишга ҳақлидир.

4.19. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олиниадиган акцияларнинг турлари, Жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нарҳи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилиши лозим.

4.20. Жамият акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади.

4.21. Жамият томонидан оддий акцияларни сотиб олиш нарҳи бозор баҳосига мувофиқ белгиланди.

4.22. Имтиёзли акциялар уларнинг бозор қийматига teng нарҳ бўйича сотиб олиниади.

4.23. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқукини бермайди, овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивиденклар ҳисоблаб чиқарилмайди. Бундай акциялар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай жойлаштирилиши керак, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

4.24. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият кечи билан ўттиз кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равища хабардор қиласди. Кредиторлар жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан ўттиз кун ичида жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидаң олдин ижро этишини ва Устав фонди камайтирилиши билан боғлик зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

5. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпик обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

5.2. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

5.3. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.4. Жамиятнинг акциялари хужжатсиз (нақдсиз) шаклда чиқарилади.

5.5. Жамиятнинг жойлаштирилган акциялари эгасининг номи ёзилган оддий ва имтиёзли акциялардир.

5.6. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириши, қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5.7. Акцияларни жойлаштириш жараёнида андеррайтерлар жалб этилмайди.

5.8. Жамият акцияларига ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулқ, технологик асбоб ускуналар, технологиялар. шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида ва қонунчиликда белгиланган бошқа манбаалар ҳисобига амалга оширилади.

5.9. Жамиятнинг акциялари уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин унинг эгасига берилади.

5.10. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқукини бермайди.

5.11. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар жойлаштиришга ҳақли.

5.12. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.

5.13. Жамият акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра жойлаштирилган акцияларини устав капитали миқдорини ўзгартирганда ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан майдалашни ёки йириклаштиришни ўтказиши мумкин.

Майдаланган ёки йириклаштирилган тақдирда касрий акцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

5.14. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

5.15. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

6.2. Жамиятнинг оддий акциялари эгаси куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисоб варагидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивиденлар тарзида олиш;
- Жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

➤ Жамиятни бошқаришда умумий йигилишларда овоз бериш йўли билан иштирок этиш;

➤ Жамиятнинг Уставига мувофиқ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;

➤ олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

➤ қимматли коғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

➤ ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб

қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вактида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни сугурталаш.
- Жамият томонидан жойлаштирилаётган кўшимча акцияларни юмтиёзли сотиб олиш.

6.3. Жамиятнинг имтиёзли акциялари эгаси қуидаги ҳуқукларга эга:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига кириш;
- ўзи хақида депозитарийдаги депо ҳисоб варагидан кўчирма олиш;
- Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, жамият уставида белгиланган муайян дивидендларни биринчи навбатда олиш;
- олинган дивидендлардан эркин равишда фойдаланиш;
- Жамият тугатилган тақдирда акцияларнинг тугатиш қийматини биринchi навбатда олиш;
- Жамиятнинг молия-хужалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқукларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозларни ҳарид қилиш чоғида эҳтимоли бор заарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни сугурталаш;
- акциядорларнинг умумий йигилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуки билан иштирок этиш.

6.4. Акциядор томонидан ҳуқукларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни бузмаслиги лозим.

6.5. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўладилар.

6.6. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлган акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуклар беради.

6.7. Жамиятнинг бир турдаги имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуклар беради.

6.8. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуки билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқукини беради.

6.9. Жамиятнинг имтиёзли акцияси акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш ҳуқукини бермайди, амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган айrim масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

6.10. Имтиёзли акциялар унинг эгасига Жамият тугатилган тақдирда акциянинг тугатиш қийматини оддий акция эгаларидан олдин олиш ҳуқукини беради.

6.11. Жамият тугатилган тақдирда имтиёзли акция бўйича тўланадиган қиймат тугатиш қиймати имтиёзи акциялар номинал қийматининг 100 фоизини ташкил этади.

6.12. Жамият очиқ обуна воситасида кўшимча акцияларни жойлаштирса, Жамиятнинг акциядорлари бундай акцияларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Уставда белгиланган тартибда уларга тегишли ушбу типдаги акциялар сонига мутонасиб микдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақлидирлар.

6.13. Жамият кўшимча акциялари очиқ обуна воситасида жойлаштирилган

такдирда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилининиши мумкин.

6.14. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қиласди.

6.15. Жамият қўшимча акцияларни очиқ обуна орқали жойлаштира бошлайдиган кундан камида ўн кун олдин Жамиятнинг акциядорлари ушбу Уставнинг 6.12.-бандида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари мумкинлиги ҳақида хабардор қилининиши лозим.

6.16. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида амал қиласди.

6.17. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисоб варагига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилгани пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.18. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.19. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

➤ мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, микдор ва усулларда акцияларнинг нарҳини тўлаш;

➤ мазкур Уставда назарда тутилган чегераларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;

➤ Жамиятнинг маҳфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик.

6.20. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фонdlарига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Жамиятнинг кўрган соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан дивиденdlар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар Жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фонdlари ҳисобидан тўланиши мумкин.

7.3. Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестициялар амалга оширилганидан, жамиятнинг заҳира ва бошқа фонdlарига ажратмалар қилинганидан ва жамиятнинг бошқа умумий эҳтиёжларига ажратилганидан кейин Жамият ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми.

7.4. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивиденdlарни тўлаши шарт.

7.5. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблаглари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

7.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутонасиб равишда тақсимланади.

7.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар

бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.8. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

7.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хуносаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг микдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек ушбу уставда дивиденд микдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлик бўлмаган микдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.11. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.12. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича, агар Жамиятда тўлаш учун манбаа (соф фойда, тақсимланмаган фойда) ва (ёки) захира фондида етарли маблағлар мавжуд бўлса, имтиёзли акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи микдорида дивиденд тўланади.

7.13. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли микдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларни сакловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Жамият етарли микдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган Жамият захира фонди хисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин.

7.14. Эгаси ёки унинг қонуний хукуқий вориси ёхуд меросхўри 3 (уч) йил муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига биноан Жамият ихтиёрида қолади.

7.15. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўtkазиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш хукуқигаэга.

7.16. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда. тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда пења хисобланади.

7.17. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- устав фондини ҳаммаси тўлаб бўлингунча;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;
- жамият соф активлариңинг қиймати унинг устав фонди ва захира фонdlари суммасидан кам бўлса.

7.18. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи.

7.19. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

7.20. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари Жамият акциядорларининг Умумий йигилиши қарори билан белгиланади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАҲИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

- Заҳира Фондини;
- Акциядорларнинг Умумий йигилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа Жамғармаларни тузади.

8.2. Жамиятнинг заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича диевидендлар тўлаш ва Қонунчиликга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав, фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда жамият заҳира фонди тузилади.

8.5. Жамият заҳира Фондига ушбу Уставнинг 8.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

8.6. Заҳира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

9. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

9.1. Жамиятни бошқариш органлари қўйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг Умумий йигилиши;
- Кузатув кенгashi;
- Ижроия органи.

10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг Умумий йигилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йигилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичida ўтказилиши шарт.

10.3. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йигилишида Жамиятнинг Кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият яккабошчилик асосида ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик

ташкilotини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисботи ва бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилиш ҳисобланади.

10.5. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг Кузатув кенгаши белгилайди.

10.6. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатларига қўйидагилар киради:

а) Жамият уставига ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш. ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

ж) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

з) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

л) Жамият Ижроия органи аъзоларининг сони ва шахсий таркибини белгилаш;

м) мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкilotини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) Жамиятнинг йиллик ҳисботини, йиллик бизнес-режасини ва Жамиятни ривожлантириш дастурларини тасдиқлаш;

о) Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

п) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшитиш;

р) акцияларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

с) Умумий йигилиш регламентини тасдиқлаш;

т) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

у) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8-бобига мувофиқ жамият томонидан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил

этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

х) Жамиятнинг Кузатув кенгашига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

ц) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.7. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

10.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

а) жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

б) "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ти (янги таҳрири) 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

в) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошлиданадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

г) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

е) жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ж) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

з) "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ти (янги таҳрири) 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуннинг 75-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисига мувофиқ жамиятнинг йиллик бизнесрежасини тасдиқлаш.

10.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йигилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йигилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.10. Мазкур Уставнинг 10.6. бандидаги а), б), в), г), п), у), ф) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йирилишида иштирок. этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.11. Акциядорларнинг Умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.12. Акциядорлар Умумий йигилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан етказилади.

10.13. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуқига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан уч

иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.14. Акциядорнинг талабига биноан Жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрига киритилганилиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

10.15. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган хукуклари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилмаган тақдирдагина қонун хужжатларида белгиланган тартибда киритишилиши мумкин.

10.16 Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоги билан 30 кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.17. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

10.18. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда кўйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- Умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

10.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг Бош директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

10.20 Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган Жамият акциядорлари (акциядори) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоги билан тўқсон кун ичida акциядорларнинг йиллик Умумии йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

10.22. Жамият Кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тuri, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатйлади.

10.23. Аниқ масала кўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши қун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

10.24. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.26. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирумай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

10.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш қун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

10.28. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чакиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

10.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

10.31. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн қун ичida жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида ёки йиғилишни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

10.32. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

10.33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

10.34. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса,

акциядорларнинг тақориј умумий йигилиши ваколатли бўлади.

10.35. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.36. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

10.37. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

10.38. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

10.39. Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вактда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳаклидир.

10.40. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашганди ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

10.41. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

10.42 Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 24 (йигирма тўрт) кундан кам ва 30 (уттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонун ва ушбу Устав билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йигилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тугилган ҳоллар бундан мустасно;
- в) акциядорлар Умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- д) акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ микдори чегарасини белгилаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишини акциядорларнинг Умумий йигилишига киритиш;
- ж) Жамият устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, агар акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан шундай ваколат берилган бўлса;
- з) акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- и) эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- к) эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- л) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- м) амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш;
- н) Жамиятнинг йиллик бизнес режасини маъқуллаш;
- о) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- п) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш, шунингдек, ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- р) Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- с) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорларини белгилаш;
- т) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- у) Жамият акциядорлар умумий йигилишига Ижроия органи раҳбари (Бош директор) лавозимига номзодни тавсия бериш;
- ф) Жамият номидан Ижроия органи раҳбарини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузиш;
- х) дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- ц) Жамиятнинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- ч) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи хужжатларни тасдиқлаш;
- ш) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиши;
- щ) Жамиятнинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- ы) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунининг 8-бобига мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соғ активлари микдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан

чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин;

э) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ю) Жамиятнинг бошқа ҳўжалик жамиятларидағи иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;

я) Жамият облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аа) аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

бб) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгashi ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.3. Жамият Кузатув кенгashi ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Кузатув Кенгashi тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг миқдор таркиби 5 (беш) кишидан иборат.

11.6. Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланышлари чекланмайди.

11.7. Жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органининг аъзолари (Бош директори) Жамият Кузатув кенгашига сайланышлари, тайинланишлари мумкин эмас.

11.8. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.9. Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгashi тўғрисидаги Низоми”да белгилаб қўйилади.

11.10. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

11.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланган ҳисобланади.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгash аъзолари томонидан уларнинг аъзолари орасидан Жамият Кузатув кенгashi аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.14. Жамият Кузатув кенгashi ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.15. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув

кенгаши мажлисларини чакиради ва уларга раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.16. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.17. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қуидагилар талабига кўра чакирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- тафтиш комиссиясининг;
- Жамият Бош директорининг;
- ички аудит хизмати бошлигининг;
- жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг).

11.18. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

11.19. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

11.20. Мазкур Уставнинг 4.7. бандларида ва 11.2 бандининг 8, 26 ва 27 хатбоисида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (яқдиллик билан) қабул қилинади.

11.21. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

11.22. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.23. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

11.24. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

11.25. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.26. Жамият Кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

11.27. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда мукофот тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлик ҳаражатлари қопланиши мумкин. Бундай мукофот ва компенсация тўловларнинг микдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

11.28. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

11.29. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини ўйлаб иш тутишлари лозим.

11.30. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдиаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.31. Кузатув кенгаш мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар.

12. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошлиқ асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият Бош директори Жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятнинг мазкур Устави, шунингдек акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.3. Жамият Бош директори ўз фаолиятида акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисбот беради.

12.4. Жамият Бош директори номзоди жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тайинланади ва у билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

12.5. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

12.6. Жамият ижроия органининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.7. Жамият Бош директори акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.8. Жамият Бош директори ўз фаолиятида Жамият Устави ва Ижроия органи тўғрисидаги Низом асосида иш олиб боради.

12.9. Жамият Бош директорининг ваколатлари ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қиласди;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;
- Банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;
- Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этади;

- Ходимларнинг штат рўйхатини белгилайди ва тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар беради;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлайди, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Жамиятнинг шўъба корхоналари ва филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- Шўъба корхоналар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди ва унинг бизнес-режаларини ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлайди;
- Жамият филиаллари ва шўъба корхоналари низомларини тасдиқлайди ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритади;
- Жамият шўъба корхоналарининг штат жадвалларини тасдиқлайди ва раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади, уларнинг меҳнат ҳақининг миқдорини белгилайди, шу жумладан барча турдаги мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда меҳнат иштироки коэффициентини қўллайди;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишланини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалардан ташқари;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишини таъминлайди;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қиласи, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қиласи;
- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгashi, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;
- давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлайди, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бош директори томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлайди;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;
- Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қиласди;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қиласди.

12.10. Жамият Бош диектори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

12.11. Жамият Бош директори қонун ҳужжатдарига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдидаги жавобгардир.

12.12. Бош директор томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларини бажарилиши бузилган ҳолларда ва унинг харакатлари, (харакатсизлиги) натижасида жамиятга келтирилган заарлари сабабли у билан тузилган шартнома Жамият кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.13. Бош директор ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар унинг вазифасини вактинча бажариши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин бўлади.

13. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

a) Тафтиш комиссияси

13.1. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 (уч)кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

13.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонун ва ушбу Устав билан белгиланади.

13.4. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиши тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомда белгиланади.

13.5. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

13.6. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

13.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хulosада тузади, бу хulosада кўрсатилиши шарт:

➤ жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

➤ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётгандан қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот.

13.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

13.9. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чакирилишини талаб қилишга ҳақли.

13.10. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

13.11. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

б) Ички аудит хизмати

13.12. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

13.13. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, шульба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш оркали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.14. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти

13.15. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хulosаси тақдим этади.

13.16. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳакида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хulosаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

14. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-

китобини юритилиши ва молия ҳисбботини тақдим этиши шарт.

14.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисббот ва бошқа молия ҳисбботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун хужжатларига мувофиқ ижроия орган зиммасида бўлади.

14.3. Жамият акциядорларининг умумий ҳисббот йиғилишида Жамиятнинг йиллик ҳисботи кўриб чиқилади.

14.4. Жамиятнинг ҳар йилги йиллик ҳисбботини тузиш, Кузатув кенгашига, акциядорлар умумий йиғилишига, тегишли давлат органларига ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон килиш учун жавобгарлик Жамият ижроия органи зиммасида бўлади.

14.5. Жамиятнинг йиллик ҳисботида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

➤ Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, унинг жойлашган ери (пошта манзили), банк реквизитлари, рўйхатдан ўтказувчи орган, давлат статистикаси ва солик хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

➤ ўтган йилдаги хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ахборот;

➤ мансабдор шахсларнинг шахсий таркибидаги ўзгаришларнинг асослари;

➤ тегишли йил юзасидан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўгрисидаги ҳисбот;

➤ аудиторлик ташкилоти хуносасининг нусхаси;

➤ қўшимча чиқарилган қимматли қофозлар ҳақидаги асосий маълумотлар;

➤ ҳисбот йилида эмитентнинг фаолиятидаги мухим фактлар.

14.6. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисоб варағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

14.7. Кўрсатиб ўтилган хужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисбботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкий манфаатлар негизида боғлик бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

14.8. Жамиятнинг йиллик акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кун олдин кузатув кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдиқданиши лозим.

14.9. Жамият қонун хужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатда йиллик ҳисботини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши шарт.

14.10. Жамиятнинг молия йили 01 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

15. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ШЎЬБА ЖАМИЯТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин.

15.2. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

15.3. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият Бош директори томонидан тайинланади ва Жамият Бош директори берган ишончнома асосида иш кўради.

15.4. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

15.5. Жамият қарзлари юзасидан жамиятнинг шўъба корхоналари жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам жамиятнинг шўъба корхоналари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

15.6. Шўъба корхона Жамиятнинг айби билан ночор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда Жамият шўъба корхонанинг қарзлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

15.7. Жамият ва шўъба корхонаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан белгиланади ва мувофиқлаштирилади.

15.8. Жамият шўъба корхонаси раҳбари контракт асосида Жамият Бош директори томонидан лавозимга тайинланади.

16. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладаи: қўшиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йигилишининг қарори асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

16.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 - 52 моддалари, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Конуннинг 92 - 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

16.3. Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йигилиши томонидан йигилишда иштирок этаётган акциядорлар - овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисми овози берилган ҳолда қабул қилинади.

16.4. Акциядорлар умумий йигилиши томонидан Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин, Жамият ўттиз кундан кеч бўлмаган муддатда ёзма равишда ва марказий газеталарда тегишли эълон бериш йўли билан ўз кредиторларини бу ҳақида хабардор киласди.

16.5. Кредиторлар жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

- қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоги билан ўттиз кун ичida;

- бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоги билан олтмиш кун ичida.

16.6. Ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳукуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йули билан янги Жамиятни вужудга келтириш Жамиятни қўшиб юборилиши деб ҳисобланади.

16.7. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш шаклида амалга оширилса, қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузилади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек, ҳар бир жамият акцияларини янги жамият акцияларига айирбошлиш тартиби белгиланади. Қўшилишда иштирок этаёттан ҳар бир Жамият Кузатув кенгаши қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йигилиши муҳокамасига қўяди.

16.8. Янги ташкил этилаётган Жамиятнинг уставини тасдиқлаш ва Кузатув Кенгашини сайлаш қўшиб юборища иштирок этаёттан Жамиятлар акциядорларининг умумий қўшма йигилишида амалга оширилиб, бу йигилиш таъсис мажлиси ҳисобланади.

Акциядорлар умумий қўшма мажлисида овоз бериш тартиби Жамиятларни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

16.9. Жамиятлар қўшиб юборилганда ҳар бир Жамиятнинг хукуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ янги ташкил этилган Жамиятга ўтади.

16.10. Бир ёки бир нечта Жамият фаолиятини тугатилиб, уларнинг хукуқлари ва мажбуриятларини бошқа Жамиятга ўтказиш - Жамиятни бирлаштириш деб ҳисобланади.

16.11. Жамиятни қайта ташкил этиш бирлаштириш шаклида амалга оширилса, бирлаштирилаётган Жамият ва у бирлашаётган Жамият бирлашиш тўғрисида, шартнома тузадилар. Унда бирлаштириш тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган Жамият акцияларини бирлаштириш амалга оширилаётган Жамият акцияларига айирбошлиш тартиби белгиланади. Ҳар бир Жамият Кузатув кенгаши бирлаштиришда иштирок этаёттан Жамиятлар акциядорлари умумий йиғилиши муҳокамасига бирлаштириш шаклида Жамиятни қайта ташкил этиш ва бирлаштириш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш масаласини қўяди. Бирлаштирилаётган Жамият Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига топшириш далолатномасини тасдиқлаш масаласини ҳам киритади.

16.12. Қайд этилган Жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласи ва янги кузатув кенгашини сайлайди. Акциядорлар умумий кушма йиғилишида овоз бериш тартиби бирлаштириш тўғрисидаги шартномада белгиланади. Бирлаштирилаётган Жамиятнинг барча хукуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ бирлаштирилаётган Жамиятга ўтади.

16.13. Жамият фаолиятини тўхтатиб, унинг хукуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган Жамиятларга ўтказиш-Жамиятни бўлиш деб ҳисобланади.

16.14. Жамият бўлиш тарзида қайта, ташкил этилаётган тақдирда, Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига Жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари, янги жамиятларни ташкил этиш ва қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини янги ташкил этилаётган Жамиятлар акцияларига айирбошлиш масаласини қўяди. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорлари умумий йиғилиши бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, янги Жамиятларни ташкил этиш, қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини янги ташкил этилаётган Жамият акцияларига айирбошлиш тўғрисида қарор қабул қиласи. Бўлиш натижасида юзага келадиган ҳар бир Жамият акциялари таъсис мажлиси Жамият уставини тасдиқлади ва Кузатув кенгашини сайлайди.

16.15. Жамият бўлингандаги унинг хукуқ ва мажбуриятлари бўлиниш балансига мувофиқ янги ташкил этилган икки ёки бир нечта Жамиятларга берилади.

16.16. Қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг хукуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир нечта Жамият тузиш Жамиятни ажратиб чиқариш деб ҳисобланади.

16.17. Жамиятни қайта ташкил этиш Жамиятни ажратиб чиқариш шаклида амалга оширилса, ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган Жамият кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши муҳокомасига ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги Жамиятни ташкил этиш, қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини ажратиб чиқарилаётган Жамият акцияларига айирбошлиш имкониятлари ва бундай айирбошлиш тартиби, Жамият уставига ажратиб чиқариш шаклида Жамият қайта ташкил этилгани, Жамият устав капитали тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган ўзгартиришлар киритиш ва шунингдек бўлиниш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритади. Ажралиб чиқиш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорлари умумий йиғилиши Жамиятни қайта ташкил этиш, қайта

ташкил этиш тартиби ва шартлари, Жамият акцияларини ажралиб чиқаётган Жамият акцияларига айирбошлиш имкониятлари ва бундай айирбошлишнинг тартиби, ажралиб чиқиш шаклида Жамият қайта ташкил этилгани тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган Жамият уставига ўзгартиришлар киритиш ва қайта ташкил этиш натижасида камайтирилган Жамият устав капитали, шунингдек, бўлиниш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни қабул қиласи. Ажратиб чиқариши натижасида юзага келган Жамият акциядорлари таъсис мажлиси Жамият уставини тасдиқлади ва Жамият кузатув кенгашини сайдайди.

16.18. Жамият таркибидан бир ёки бир неча Жамиятлар ажратиб чиқарилган ҳолда бўлиниш балансига мувофиқ равишда қайта ташкил этилган Жамият хукуқ ва мажбуриятларининг бир қисми уларга ўтади.

16.19. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда бошқа ҳар қандай хўжалик жамияти ёки ширкатига айланишга ва ўзининг ташкилий-хукуқий шаклини ўзгартиришга ҳақли.

16.20. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг ташкилий-хукуқий шаклини ўзгартириш, буни амалга ошириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги масалани акциядорлар умумий йиғилиши мухокомасига киритади.

16.21. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши Жамиятни қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қиласи. Қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахснинг қатнашчилари ўзларининг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайдаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиласидар.

16.22. Қайта ташкил этилган Жамиятнинг барча хукуқлари ва мажбуриятлари, қайта тузиш натижасида юзага келган Жамиятига ўтказиш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

16.23. Жамиятнинг тугатилиши хукуқ ва мажбуриятларни хукуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

16.24. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- банкрот деб эълон қилинганида;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

16.25. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 - 56 моддалари, шунингдек "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

16.26. Жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши Тугатувчини тайинлади.

16.27. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб унга Жамият ишларини бошқаришнинг барча ваколатлари ўтади.

16.28. Тугатувчи:

- тегишли матбуот органида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қиласи. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати Жамият тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим;
- кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қиласи;

➤ Жамиятнинг мол-мулкини баҳолашни ташкил этади.

16.29. Кредиторлар томонидан талабларни кўриш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиши натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

16.30. Агар Жамиятнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, Тугатувчи Жамиятнинг бошқа мол-мулкини, ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

16.31. Тугатилаётган Жамият кредиторлари га пул суммаларини тўлаш Тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

16.32. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Тугатувчи тугатиш балансини тузади, бу баланс акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

16.33. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида куйидаги навбат бўйича тақсимланади:

➤ Биринчи навбатда қонун хужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

➤ Иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва имтиёзли акциялар бўйича уларнинг номинал қийматининг 100 фоизи микдорида тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

➤ Учинчи навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкини оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

16.34. Мол-мулкни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

16.35. Агар Жамиятнинг мавжуд мол-мулки ёзилган, бироқ тўланмаган дивидендлар ва мазкур уставда белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулки имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга қарашли шу турдаги акцияларнинг сонига мутонасиб равишда тақсимланади.

16.36. Чет эллик инвестор мол-мулк тугатиш қийматининг ўзи олган қисмини белгиланган тартибда айирбошлишга ҳақлидир.

16.37. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Жамиятни юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан ўчириб ташланган вақтдан эътиборан Жамиятнинг тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

17. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

17.1. Жамият акциядорларининг Умумий йигилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартариши ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

17.2. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳrirдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан

бошлаб, амалдаги қонунчилиқда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

17.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

17.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари кўлланилади.

17.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан акциядорлар умумий йигилиши томонидан 2014 йил 18 октябрдаги тасдиқланган Жамият Устави ва унга киритилган барча ўзгартериш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

«O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» AJ
Бош директор



А.Ш. Абдуллаев

Юрист маслаҳатчи

Н.Т. Абдурахманова

